O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 28 октябрь, № 211 (4110) Шанба


# МУАЗЗАМ ВА МУКАРРАМ ШАҲАР ШОДИЁНАСИ

***Кеча қадимий ва навқирон Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги тантанали нишонланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.***



## Президент Ислом Каримовнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Азиз меҳмонлар!

Бугун Ўзбекистон ҳаётида унутилмас кун, улкан тантана. Қашқадарё эли, бутун халқимиз гўзал ва бетакрор диёримиз тарихидаги қутлуғ сана — қадимий Насаф — навқирон Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйини катта хурсандчилик билан нишонламоқда.

Мана шу қувончли айём муносабати билан сиз, азиз юртдошларимни, сизларнинг тимсолингизда Қашқадарё аҳлини, бутун ўзбек халқини чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг хурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрамга узоқ-яқиндан ташриф буюрган қадрли меҳмонларимизни, ЮНЕСКО ташкилоти, хорижий давлатлар элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини, чет эл оммавий ахборот воситалари ходимларини бағрикенг ва меҳмондўст халқимиз номидан самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Ҳар бир қарич ери муқаддас бўлган она Ўзбекистонимиз тупроғида жойлашган ва бутун жаҳон аҳлига ўзини танитган, ёши асрлар, минг йилларга тенг келадиган машҳур шаҳар ва масканлар, бебаҳо моддий ва маънавий мерос ёдгорликлари билан халқимиз, барчамиз ҳақли равишда фахрланамиз. Биргина саховатли Қашқадарё заминида 2700 йиллик тарихга эга, нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан эътироф этилган Шаҳрисабз ва Қарши каби шаҳарларнинг мавжудлиги ҳам бизнинг тарихий илдизларимиз нақадар чуқур ва нақадар қадимий эканидан яққол далолат беради.

Ўзининг узоқ ва бой ўтмиши давомида гоҳ Никшапа, гоҳо Нахшаб, кейинчалик Насаф деган номлар билан аталган кўҳна Қарши шаҳри тарих ва башарият учун аввало бетакрор цивилизация ва маданият бешиги сифатида, кўп-кўп улуғ сиймолар, буюк мутафаккир зотлар, азиз-авлиёларнинг ватани сифатида қадрли ва мукаррамдир. Бу юрт ўз тарихида кимларни, қандай оғир ва машаққатли синовлар, тўфон ва суронларни кўрмаган. Бу ерга кимлар келиб кетмаган. Александр Македонский босқини, сосонийлар ҳужуми, араб истилоси, Чингизхоннинг қонли юришлари, табиий офатлар оқибатида Қарши шаҳри неча бор яксон бўлиб, вайронага айланган. Бу юрт не-не хонлар, амирлар, чор истилосининг зулм ва зўравонликларини бошидан кечирган.

Яқин ўтмишда, мустабид тузум даврида ҳам шу бетакрор ерда яшаётган, ўз қадр-қимматини чуқур англайдиган элни қатағон қилиш, тазйиқ остига олиш, унинг устидан турли бўҳтон ва уйдирмаларни тўкиш, шаъни ва ғурурини топташ каби қандай азоб-уқубатларни Қашқадарё аҳли бошидан кечиргани, жабр тортгани ҳали-бери ёдимизда. Лекин, ҳар қандай қирғин ва фожиаларга қарамасдан, бу воҳанинг, Қаршидек умри боқий шаҳарнинг ҳаёт ва давр синовларидан омон ўтиб, мана шу ёруғ кунларга етиб келгани шу заминда яшаб ўтган аждодларимиз, бугун ҳаёт кечираётган авлоднинг мустаҳкам иродаси, эркинлик ва озодликка интилиш туйғуси нақадар кучли эканининг тасдиғидир, десам, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда Қарши шаҳрининг нафақат кўҳна тарихий маскан, балки ҳар қандай одамнинг ҳам эътиборини ўзига тортадиган навқирон, замонавий шаҳарга айланиб тургани истиқлолимизнинг беқиёс қудрати, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг амалий исботидир.

Азиз дўстлар!

Қадимий Насаф шаҳри нафақат ўзининг муҳташам асрий обидалари, балки илму фан, ҳунармандчилик, адабиёт ва санъат, муқаддас ислом дини, ислом фалсафаси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк фарзандлари билан тарихимизда алоҳида ўрин тутади. Унинг ўз даврида мусулмон оламидаги мадина, яъни муаззам шаҳар мақомига эга бўлган саккиз шаҳарнинг бири сифатида тарихий манбаларда эътироф этилиши ҳам бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Айниқса, бу табаррук масканда шаклланган юксак маданият, илмий-маънавий муҳит туфайли бу ердан Насафий таҳаллуси билан ном қозонган юзлаб фозил инсонлар етишиб чиққан ва улар ўз она юрти шуҳратини бутун дунёга таранним этган. Ана шундай бетакрор сиймолар қаторида ҳадис илмининг билимдонларидан Абул Аббос ал-Мустағфирий, Абу Туроб Нахшабий, етук шоир ва олимлар Зиёвиддин Нахшабий, Муйиддин Насафий, Сайидо Насафий, ҳуқуқшунос алломa Нажмиддин Насафий, калом илмининг намояндаси Абул Муъин Насафий, файласуф Азизиддин Насафий, моҳир меъморлар Али Насафий, Олим Насафий ва бошқа кўплаб улуғ зотларнинг мўътабар номларини бугун ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз. Уларнинг бой илмий ва ижодий фаолияти, қолдирган меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, бу бебаҳо бойликни келгуси авлодларимизга етказиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Таассуфки, юртимизда истилочи ва мустабид тузумлар, қадриятларимизни йўқ қилишга қаратилган зўравон мафкура ҳукмронлик қилган йилларда бизни ана шундай буюк маданий мерос, маънавий бойликлардан, ўзлигимиз, дину диёнатимиздан жудо қилиш, халқимизнинг миллий ғуруруни синдириш мақсадида Қарши шаҳридаги кўплаб қадимий ва бетакрор обидалар бузиб ташланди. Абдулазиз ва Қиличбек мадрасалари, Одина масжиди каби омон қолган айрим меъморий обидалар эса қамоқхоналарга айлантирилди. Аллақандай «Ардом», "Домзак" деган мудҳиш номлар билан аталди.

Мана шунинг учун буюк тарихимизни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ундан зарур сабоқ чиқарган ҳолда йўл тутиш, бошқача айтганда, мозийга қайтиб иш кўриш хайрлидир. Бугунги дориламон кунларда эркин ва озод нафас олиб яшар эканмиз, яқин ўтмишимизда юз берган ана шундай машъум кунларни, уларнинг сабоқларини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Қадрли ватандошлар!

Биз Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйини нафақат миллий тарихимиз, балки умумбашарий тараққиёт тарихида беқиёс ўрин эгаллайдиган улуғ аждодимиз, буюк давлат арбоби ва саркарда, соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 670 йиллик таваллуд айёми билан бирга нишонламоқдамиз. Бунинг замирида теран рамзий маъно, ўзига хос тарихий боғлиқлик бор, албатта. Нега деганда, ўз тимсолида миллатимиз, халқимизга мансуб бўлган ақл ва заковат, бағрикенглик ва Ватанга содиқлик, қатъиятлик ва бунёдкорлик салоҳиятини мужассам этган ва дунёга намойиш қилган Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини, унинг миллий озодлик учун, мустақил ва қудратли давлат барпо этиш учун олиб борган курашини Қарши шаҳрисиз тасаввур этиб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда).

Кўҳна тарих силсиласида Ксениппа, Боло, Нашеболо, Нахшаб, Насаф номи билан аталган Қарши шаҳри байрам оғушида. Кўчалар ва хиёбонлар ранг-баранг байроқлар, ёритгичлар билан безатилган. Кеч куз бўлишига қарамасдан ҳамма жойда баҳорий яшиллик ҳукмрон. Одамларнинг кайфиятида ҳам байрамона кўтаринкилик, шаҳарда юз берган улуғвор ўзгаришлардан ғурур, ифтихор туйғулари жўш урмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 октябрь куни мазкур шодиёна муносабати билан Қарши шаҳрига ташриф буюрди. Юбилей муносабати билан шаҳарда қад ростлаган, таъмирланган бинолар ва обидаларни бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари Кўкгумбаз масжидида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, обидадаги ёдгорликларни эъзозлаш, азалий қадриятларимизни ёш авлодга сингдириш лозимлигини уқтирди.

Қарши шаҳри аҳолиси, бутун вилоят аҳли бу байрамга зўр ихлос билан ҳозирлик кўрди. Шу давр мобайнида шаҳарнинг қиёфаси бутунлай ўзгариб кетди. Илгари турар-жой ва бошқа бинолар билан тўсилиб, назардан четда қолиб кетган ўнлаб тарихий обидалар тикланди. Уларнинг ёнатрофлари очилиб, хиёбон ва сайилгоҳларга айлантирилди. Бугунги кунда шаҳарнинг шонли ўтмишидан гувоҳлик бериб турган Одина, Чақар, Қўрғонча, Чармгар масжидлари, Шермуҳаммад, Шариф Хўжа, Бекмир, Қиличбой, Хўжа Абдулазиз мадрасалари, Абдуллахон ҳаммоми, Қашқадарё кўприги каби тарихий обидалар қаршиликларнинг севимли зиёратгоҳига айланиб қолди. Шаҳар марказида қад кўтарган замонавий коллеж бинолари, спорт иншоотлари, томошагоҳлар меъморчилик санъатининг сўнгги ютуқлари сифатида баҳоланмоқда. Бу ишларда иштирок этган меъморлар, муҳандису қурувчилар, тадбиркору ҳунармандлар буюк ўзгаришларга дахлдор бўлганликларидан беҳад мамнун. Биз шаҳарнинг бош майдонидаги байрам тадбирларида «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси Маҳмуд Бозоровни учратдик.

— Жамиятимиз қурувчилари лойиҳа бўйича 20 минг томошабинга мўлжалланган стадионни бунёд этишди, — дейди у. — Бу жуда катта, кўп тармоқли спорт иншооти бўлиб, мамлакатимизда ҳали бундай ишга ҳеч ким қўл урмаган. Унда асосий футбол майдонидан ташқари, 4 та кичик футбол майдончаси, спорт тўгараклари учун махсус заллар, меҳмонхона, ошхона, дам олиш, ювиниш хоналари бор. Жаҳон андозаларига мос бу иншоотда йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш учун барча шароитлар яратилган. Бундан ташқари, иккита кўп квартирали турар-жой биноси қурдик. Мустақиллик майдонини ободонлаштиришда иштирок этдик. Бу қурувчиларимизнинг Қарши тўйига тўёнаси бўлди.

Шаҳардаги кенг кўламли ишларни биргина вилоят қурувчилари кучи билан амалга оширишнинг иложи йўқ эди. Қурилиш, таъмирлаш, ободонлаштириш ишларида бутун мамлакат усталари иштирок этишди. Айниқса, тарихий обидаларни таъмирлашдек нозик ишда Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қўқон, Тошкентдан келган усталарнинг хизмати катта бўлди. Амир Темур даврида қурилган Одина жомеъ масжиди олдидаги хиёбонда бўлган байрам сайили қатнашчиларидан бири — 80 ёшли Абдирайим бобо Эгамбердиевнинг ҳаяжони чексиз.

— Менинг ёшлигим шу ерда ўтган, — дейди отахон. — Бу мадрасаю масжидларнинг қандай хароба ҳолда ётганини яхши биламан. Айниқса, Одина масжиди ёнидан ўтаётганда юракка ваҳима тушарди. Худога минг қатла шукрки, мустақиллигимиз туфайли, Юртбошимизнинг саъй-ҳаракати билан масжид тикланиб, шундай обод сайилгоҳга айланди. Шу кунларга етказгани учун Яратганга минг бора шукроналар айтаман.

Одина масжиди шўролар даврида зулмат қўйнида сақланган бўлса, бугунги кунда халқимизнинг бой тарихи, маданияти ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар қўйилган ажойиб музейга, маърифий масканга айланди. Буни бежиз «Ўзликни англаш маркази» деб аташаётгани йўқ. Бу ерда бўлган киши, айниқса, ёшлар «Биз ким эдик ва ким бўлдик?» деган саволга аниқ жавоб топишади. Қаршининг тарихий маркази — Регистон майдонининг шундоққина ёнида болалар боғи бор. Шаҳарнинг катта тўйи муносабати билан боғ ривожлантирилиб, кўплаб замонавий аттракционлар ўрнатилди. Боғни тўлдириб турган болаларнинг шўх-шодон кулгиси, отаоналарнинг дилидаги меҳр ва ғурур юртимизда келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодга кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликлар натижасидир. Қаршиликлар ўз шаҳарларининг 2700 йиллигига ана шундай зўр шоду хуррамлик билан пешвоз чиқдилар.

Асосий байрам тадбирлари 27 октябрь куни вилоят ҳокимлиги мажлислар залида «Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни» мавзуида халқаро илмий конференция ўтказиш билан бошланди. Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси томонидан ташкил этилган бу анжуманда Россия, Қозоғистон, Япония, Франция, Германия, АҚШ каби хорижий мамлакатларнинг қадимшунос олимлари, ёзувчилар ва журналистлар иштирок этдилар. Уларнинг илмий маърузаларида Шарқ ва Ғарбни боғлаган қадимий Ипак йўлининг устида жойлашган Қарши шаҳри ўтмишда стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиши билан бирга ҳадиссшунослик маркази, олиму шоирлар макони ҳам бўлганлиги, меъморчилик санъати юксак ривожланганлиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

### Дунё нигоҳи

**Йозеф МАЧИШАК, Словакия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулоддa ва Мухтор элчиси:**

***Қаршидаги тантаналарни зўр завқ билан томоша қилдим. Бу — ўз юртидан, Она Ватанидан ғурурланган кишиларнинг шодиёнасидир. Менинг назаримда, бу байрамда бутун шаҳар аҳли иштирок этди. Биз ҳам ана шу қувончга қўшилиб кетдик.***

***Ушбу ҳайкал пойидаги тегирмон тоши бамисоли ҳаёт гардиши каби шиддат билан айланиб, замон, давр тинимсиз ўзгариб боришини англатиб турибди. Тегирмон тоши узра эса бир-бирини асраб-авайлаб, бир-бирига елкадош бўлиб, ўз она заминида мустаҳкам турган, диёрини бутун дунёга танитган, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзига ишониб яшаётган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлган меҳнаткаш оила тасвири мужассамлашган.***

# Президент Ислом Каримовнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Соҳибқирон ҳазратларининг халқимизни мўғул зулмидан халос этиш, пароканда эл ва элатларни бирлаштириш, диёнат ва адолатни қарор топтириш, илм-фан, маърифат ва маданиятни юксалтириш йўлидаги буюк орзу-ният ва интилишларига мана шу Қарши замини мустаҳкам қанот берган, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз. Айни Қарши диёридан етишиб чиққан табаррук зот — пири муршид Шамсиддин Кулолнинг оқ фотиҳасини олиб, Амир Темур эзгу мақсадлар йўлида илк қадамлар қўйгани, Соҳибқирон бобомизнинг оқилона сиёсати ва саъй-ҳаракатлари туфайли ушбу шаҳар Мовароуннаҳрнинг йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айлангани ҳақида кўҳна тарихимиз гувоҳлик беради.

Мана, қарийб етти асрдирки, Амур Темур бобомизнинг ўлмас номи, сўнмас шон-шавкати, бунёдкорлик фаолиятига бўлган қизиқиш бутун дунёда тобора кучайиб бормоқда. Буни биргина шу йилнинг ўзида Испания, Бельгия, Франция каби мамлакатларда улуғ аждодимизнинг таваллуд айёмига бағишлаб ўтказилган қатор илмий анжуман ва маърифий тадбирлар, хусусан, куни кеча Парижда машҳур олим Льюсен Керен томонидан «Самарқандга — Амир Темур даврига саёҳат» номли фундаментал асарнинг нашр этилгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, ўз даврининг енгилмас қаҳрамони, миллатнинг ҳақиқий етакчиси, фавқулодда буюк шахс, буюк инсон бўлган Амир Темурнинг бетакрор ҳаёти ва фаолияти, жасорати ва ибрати бугунги кунда бизнинг ёруғ келажагимизга ишонч бағишлайди, олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун чексиз куч-қувват, қатъият ва шижоат бахш этади.

Ҳурматли дўстлар!

Тақдир деймизми, туз-насиба деймизми, ҳаётимнинг узвий бир қисми, ҳеч унутилмас даври мана шу Қашқадарё заминида кечди. Шу боис, мен бу гўзал юртга нисбатан қалбим тўрида меҳр-муҳаббат туйғусини сақлаб, қизғин меҳнат, эзгу орзу-ният ва интилишлар билан ўтган ўша йилларни доимо миннатдорлик билан эслайман. Ўша мураккаб пайтларда оғир муаммолар гирдобида қолиб кетган Қашқадарё вилоятида мавжуд бўлган ночор аҳволни ўнглаш, юртни обод этиш йўлида сиз, азизлар билан қандай ҳаракатлар, қандай катта мақсад ва режаларни амалга оширишга эришганимиз, ўйлайманки, барчамизнинг хотирамизда ёркин саҳифа бўлиб қолажак.

Шахсан мен умримнинг энг қизғин, суронли ва бахтли дамларини Қашқа воҳасида ўтказганимни, шу юртда ўзим учун ҳаётий мактаб, катта тажриба топганимни, сизларнинг қувонч ва ташвишларингизга шерик бўлиб, меҳр-оқибат кўрганимни ҳеч қачон унутмайман.

Орадан йиллар ўтиб, истиқлолга эришиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олганимиздан сўнг, Қашқа воҳасининг қадимий тарихи, юксак нуфузини қайта тиклашга, Қарши шаҳрини ўз салоҳияти ва аввало, шу юртда яшаётган мард ва танти халқнинг меҳнати билан мамлакатимизнинг энг гўзал ва кўркам шаҳарларидан бирига, йирик саноат ва маданият марказига айлантиришга муяссар бўлдик. Қарши шаҳрининг қутлуғ тўйи муносабати билан вилоятда фақат сўнгги икки йил давомида кўплаб объектларда амалга оширилган қурилиш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишларига қарийб 50 миллиард сўм маблағ сарфланганининг ўзиёқ бажарилган ишлар кўлами қанчалик улкан эканини яққол кўрсатиб турибди.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, бу қадимий шаҳарнинг тарихий қиёфасини тиклаш мақсадида қилинган ишларни, хусусан, эски шаҳар қисминнинг, Регистон майдони, ўнлаб меъморий обидаларнинг тубдан қайта тикланиб-таъмирланганги, янгича кўрку салобат касб этгани барчамизга мамнуният билан бирга, беихтиёр халқимизнинг руҳини кўтарадиган бундай бунёдкорлик ишларини давом эттиришга ишонч бағишлайди.

Айни пайтда Мустақиллик майдони, Марказий ва Болалар истироҳат боғи, амфитеатр майдони, кўплаб янги турар-жойлар, тиббиёт ва маданият муассасалари, кенг ва равон кўчалар, обод бозор ва кўркам хиёбонлар мисолида Қарши шаҳрининг замонавий қиёфасини кўришимиз мумкин. Айниқса, бизнинг олий мақсадимиз бўлмиш соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига хизмат қиладиган замонавий лицей ва коллежлар, янги мактаблар, Олимпия захиралари спорт коллежи, енгил атлетика манежи ва ёпиқ сув спорти ҳавзаси, янги марказий стадион, хотин-қизлар спорт мажмуаси нафақат вилоятда, балки бутун мамлакатимизда алоҳида ўрин эгаллайди.

Қадрли дўстлар, биродарлар, менга буюрса, мана шундай ҳаяжонли дақиқаларда Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг юксак ғурур ва ифтихор тўла сўзларини давом эттириб, шундай деган бўлардим: кимки бизнинг куч-қудратимизни, халқимизнинг азму шижоатини, қандай буюк ишларга қодир эканини кўрмоқчи бўлса, мана шу Қарши шаҳрида, бутун Ўзбекистонда амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимизни келиб кўрсин.

Азизларим, "Қарши" деган сўзнинг "қаср, сарой" деган маънони англатишини кўпчилигингиз яхши биласиз. Мен бугунги хурсандчилик кунида қадимий Қарши шаҳрини саройдек гўзал шаҳарга айлантириш учун кечани кеча, кундузни кундуз демасдан сидқидилдан меҳнат қилган қўли гул қурувчи ва ишчиларга, муҳандис ва меъморларга, пудратчи ва ҳомий ташкилотларга, республика вазирликлари ва ҳокимият идоралари мутасаддиларига, бу олижаноб ишга ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, қарийб 700 минг тонна ғалла, 435 минг тоннадан зиёд улкан пахта хирмонини бунёд этиб, бугунги байрамни ёруғ юз билан кутиб олаётган Қашқа воҳасининг миришкор ва фидойи деҳқонларини, барча меҳнаткашларини қутлаб, бағримга босиб, қалбимдаги энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Ишончим комилки, ёш авлодимиз, келгуси насллар биз бошлаган мана шу ишларнинг муносиб давомчилари бўлиб, она юртимиз, бебаҳо тарихимиз, улуғ аждодларимиз, қадимий шаҳарларимиз билан ҳамиша ғурурланиб яшайди. Улардан куч ва руҳий қувват олиб, жонажон Ўзбекистонимиз довруғини бутун оламга тараннум этади.

Гўзал Қарши шаҳрининг қутлуғ тўйи билан сизларни яна бир бор муборакбод этиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат тилайман.

Она заминимиз доимо гуллаб-яшнасин, файзу баракага тўлсин!

Эл-юртимизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

Қарши шаҳри, Қашқадарё аҳли ҳамиша омон бўлсин!

*Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги кенг нишонланаётган айни кунларда пойтахтимиздаги "Маънавият" нашриёти томонидан «Қарши-2700» китоб-альбоми чоп этилди.*




# ТЎЙГА МУНОСИБ ТЎЁНА

Ватанимиз мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, аждодларимиз яратиб қолдирган бой маънавий меросни чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўтган йиллар мобайнида заминимиздан етишиб чиққан кўплаб улуғ алломаларнинг, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз сингари қадимий шаҳарларимизнинг юбилейлари кенг миқёсда нишонлангани ҳам шундан далолат беради.

Тарихий манбаларда Нахшаб, Насаф сингари номлар билан юритилган Қарши шаҳри ҳам юртимизнинг узоқ ўтмишга эга бўлган, дунёга кўплаб етук фозилу уламолар, шоиру алломаларни етказиб берган қадим маданият ўчоқларидан бири саналади.

Президентимизнинг 2005 йил 26 июлда қабул қилинган "Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори кенг жамоатчилик томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Ушбу қутлуғ санага қизғин тараддуд кўрилди. Шаҳарда юбилей олдидан йирик ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Юбилей муносабати билан шаҳарнинг ўтмиши ва бугуни акс эттирилган бир қатор илмий-оммабоп мақолалар, китоблар ва открткалар тўпламлари чоп этилди. Мазкур йирик китоб-альбом ҳам Қарши шаҳрининг юбилейига муносиб туҳфа бўлди. Ундан шаҳарнинг кўп асрлар давомида босиб ўтган тараққиёт йўли, бетакрор тарихий обидалари, ўзига хос маданияти, ҳунармандчилик, меъморчилик анъаналари ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар, рангли фотосуратлар ўрин олган.

Китоб-альбомда Қарши шаҳрида мустақиллик йилларида рўй бераётган ўзгаришлар, барпо этилган иншоотлар, фан-таълим, маданият ва спорт соҳаларида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар, қаршиликларнинг бугунги кундаги интилишлари, турмуш тарзи, юртимизнинг сўлим табиат манзараларига ҳам кенг ўрин берилган.

Кўп минг нусхада нашр этилган китоб-альбом матнларининг ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилгани шаҳарнинг тарихи, бугунги ҳаёти билан хорижликларни ҳам яқиндан танишитиришда кўл келади. Китоб-альбом дизайнини "Art-press" корхонаси, матбаа ишларини "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси замонавий полиграфия имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда юксак маҳорат билан бажарган.

Ушбу нашр жонажон Ватанимизнинг бой ва гўзал масканларидан бири бўлмиш Қарши шаҳрининг ўтмиши ва ҳозирги қиёфасини яна бир карра тарих саҳифаларига муҳрлагани билан ҳам қимматлидир.

**(ЎзА).**

# МУАЗЗАМ ВА МУКАРРАМ ШАҲАР ШОДИЁНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қайта таъмирланиб, обод ва кўркам масканга айланган Кўкгумбаз жомеъ масжиди ҳовлисида қариялар, байрам қатнашчиларига ош тортилди. Ўтганлар хотирасига Қуръон тиловат қилинди. Тадбир иштирокчилари бу ерда амалга оширилган ишларнинг кўламидан ҳайратга тушдилар, халқимизнинг азалий қадриятларини тиклаш, маънавиятини юксалтириш соҳасидаги ғамхўрликлардан мамнуният ҳиссини туйдилар.

Бозор — шаҳарнинг қиёфасини белгилайдиган маскан. Қарши ҳамиша бозорининг мўл-кўллиги билан машҳур бўлган. Янгидан бунёд этилган марказий деҳқон бозори ўзининг меъморий ечимлари, харидор ва сотувчиларга яратилган қулайликлари билан савдо маданиятини кўз-кўз қилишга қодир мажмуадир.

Қаршиликлар бугунги кунда хилма-хил спорт иншоотлари билан ҳам ҳақли равишда фахрланадилар. Марказий Осиёда ягона сузиш ҳавзаси, енгил атлетика манежи, 20 минг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион, аёллар футболига ихтисослаштирилган «Геолог» спорт мажмуаси байрамда иштирок этишга келган меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Кечга томон байрам тантаналари шаҳар марказидаги Мустақиллик майдонига кўчди. Катта ҳудудни эгаллаб ётган бетон қоплама ўрнида яшил майса ўстирилган. Манзарали дарахтлар экилган янги майдон серфайз сайилгоҳга айланган. Унинг марказида меҳнаткаш, мард, танти Қашқадарё халқининг тимсоли бўлган ёдгорлик мажмуи қад ростлаган. Юртбошимиз таклифи билан ушбу ёдгорлик монументи «Эл-юрт таянчи» деб аталадиган бўлди. Шу муносабат билан Президентимиз нутқ сўзлади. Юртбошимиз ўз нутқида, жумладан, шундай деди:

«Ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизда Қарши шаҳрининг қоқ марказида қад ростлаган бадиий обиданинг бугун нишонланаётган тарихий воқеа билан узвий боғланиши ҳақида, Ўзбекистон ҳудуди ва тарихида илк бор бунёд этилган ушбу мажмуанинг шакл-шамойили ва қиёфасида қандай маъно-мазмун ва ғоя мужассамлашгани ҳақида қизиқиш ва турли саволлар пайдо бўлиши табиийдир.

Шундай саволлар ҳақида фикр юритар эканмиз, жуда бир содда, лекин ўта чуқур ва маъноли бир масалани ўртага қўйишимиз ўринли. Бир ўйлаб кўрайлик, бугун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланаётган сана, қадимий Насаф деб ном олган қалъа, ҳозирги навқирон Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйининг асосий сабабчиси ким ўзи? Қанча-қанча синов ва бўронларни бошидан кечириб, ўз она заминини не-не босқинчи, ёвуз кучлардан, ҳар қандай бало-қазолардан кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келган, ўз зурриёди ва насл-насабини ақл-заковат, мардлик ва матонат соҳиби этиб тарбиялаган, улар орасидан дунёни ҳайратга солган олиму уламолар ва саркардаларни вояга етказган, шу эл-юртнинг мана шундай мунаввар кунларга етиб келишида беқиёс куч-қувват ва мадад берган ким?

Бунга жавоб битта — минг йиллар олдин мана шу мўътабар заминда илдиз отиб, Оллоҳнинг марҳамати ва неъмати, ўзининг оғир ва машаққатли меҳнати билан шу юртни обод этган, ҳаётни тебратган — бу инсон, ва шу инсонни тарбиялаган оила ва халқдир. Биз ана шу эзгу ғояни томирлари теран ва бақувват, ҳар қандай сурон ва тўфонларга бас келиб, енгилмасдан яшаб келаётган азамат ва қудратли халқимиз ҳаётининг негизи бўлмиш оддий ўзбек оиласи тимсолида ифода этишга интилдик. Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, бу ҳаётнинг оғир юкини ўз елкасида кўтариб келаётган, ҳаёт боқийлигини таъминлайдиган инсонлар сиймосини мужассам этган мана шу гўзал бадиий обида айнан шу тариқа дунёга келди. Дарҳақиқат, бу ном ёдгорликнинг мазмун-моҳиятига тўлиқ мос эканлиги билан ҳаммага маъқул тушди».

Кечқурун шаҳарнинг Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғидаги янгидан бунёд этилган муҳташам амфитеатрда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган катта байрам томошаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов байрам қатнашчиларини, уларнинг тимсолида бутун Қарши шаҳри аҳолисини, қашқадарёликларни табриклаб, нутқ сўзлади.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги доимий вакили жаноб Майкл Барри Лейн тантана қатнашчиларига ушбу халқаро ташкилот Бош директори Коичиро Мацуурани-нинг табрикномасини етказди. «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Январ Иноятов, Қарши давлат университети талабаси Нилуфар Аббосхонова юртимизда миллий қадриятларимизни тиклаш, бой тарихимизни ўрганиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар, жумладан, қадимий Қаршининг бугунги тўйи учун Юртбошимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Шундан сўнг катта байрам концерти бошланди. Унда мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари ва истеъдодли ёш ижрочилар иштирок этдилар. Театрлаштирилган саҳна кўринишларида Қарши шаҳрининг тарихи ўз ифодасини топди, куй ва қўшиқларда табаррук тупроқ, мустақиллик, Ватанга муҳаббат, бахт-иқбол ва истиқбол ижодкори бўлган халқ мадҳ этилди. Томоша якунида хонанда Диана Зиятдинова ижросида илк бор янграган «Қарши қўшиғи» ашуласининг сўнгги сатрларига концерт иштирокчиларининг барчаси жўр бўлди:

*Эй, сен, фарзанд, бобо изин юрсанг босиб,*
*Шу тупроқдан кўкрагингга тумор осиб,*
*Муносиб бўл, бул шарафга муносиб,*
*Рози бўлсин сендан буюк боболаринг.*

Байрам томошаси Қарши осмонини камалак ранг ёғдуларга буркаган катта мушакбозлик билан ниҳоясига етди.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ, Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ ва Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратларда байрам тантаналари акс этган.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

*Кеча қуйи палата Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.*

# Қонун ижросига бағишланди

Қорақалпоғистон Республикасида "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш юзасидан қатор дастурлар қабул қилиниб, чора-тадбирлар белгиланган. Таълим муассасаларида фуқароларнинг таҳсил олиши, касб-ҳунар ўрганиши ва олий таълим олиши кафолатланган. Бу борада давлат сиёсатининг асосий принципларига риоя қилинмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари соҳада амалга оширилаётган қатор ижобий ишлар билан бирга муайян камчиликларга ҳам йўл қўйилаётганини қайд этишди. Хусусан, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим тизимлари муассасаларида таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларидан хабардорлик даражаси қониқарли эмаслиги танқид қилинди.

Таъкидланишича, давлат умуммиллий дастурига киритилган мактабларнинг фан кабинетларини зарур жиҳоз ва кўргазмали қуроллар билан таъминлаш 60 фоизни ташкил этади. Республикадаги 83 та касб-ҳунар коллежининг 24 таси янги, 42 таси таъмирланган, 17 таси таъмирланган ва мослаштирилган биноларда жойлашган. Шунингдек, педагог кадрлар малакасини ошириш, мактабдан ташқари таълим, жисмоний тарбия ва спорт йўналишларида йўл қўйилаётган сусткашликлар ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилиш сўнггида назорат-таҳлил якунларининг муҳокамаси юзасидан қўмитанинг қарори қабул қилиниб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**А.САМАДОВ.**

## Анжуман

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида «Халқаро ҳуқуқ нормаларини Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига имплементация қилиш масалалари» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.*

# Халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик

Халқаро-ҳуқуқий нормалар ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принципларини республикамиз миллий қонунчилигига имплементация қилишнинг ҳуқуқий табиатини назарий-амалий жиҳатдан таҳлил этиш ва мамлакатимиз томонидан халқаро мажбуриятларнинг бажарилиши самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштириш мазкур анжуманнинг асосий мақсади этиб белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ сўзсиз бажарилиши лозим бўлган 190 дан ортиқ кўптомонлама шартномага қўшилди. Мингдан ортиқ давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро шартнома имзоланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъекти сифатида ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларга риоя қилиб, БМТ Низоми талабларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига қатъий амал қилиб келаяпти. Бу эса мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият олдидаги нуфузи янада ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, Конституциямизда ҳам халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, парламентнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари ходимлари, профессор-ўқитувчилар иштирок этган ушбу анжуманда имплементация институтининг долзарб назарий, амалий муаммоларини таҳлил этиш ҳамда ушбу соҳада хориж тажрибасини чуқур ўрганиш борасида фикрлар билдирилди.

Конференция якунида республикамизда халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Салим ДОНИЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мардлар қўриқлайди Ватанни!

*Кузги чақирув бошланганидан буён ҳар куни туман ва шаҳар мудофаа ишлари бўлимларида бир хил манзара кўзга ташланади. Бу маскан эртадан кечга қадар муддатли ҳарбий хизматга чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан гавжум.*

# ЙИГИТЛАРКИ, ЖАСУР, ҒАЙРАТЛИ

— Хизмат тақозоси туфайли ҳар куни кўплаб ота-оналар билан суҳбатлашишга тўғри келади, — дейди Самарқанд вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Эркин Абдураҳмонов. — Уларнинг ҳаммасининг мақсади бир: фарзандини аскарликка, Ватан ҳимоясига жўнатиш. Лекин, уларнинг барчасини ҳам хизматга жўнатишнинг имконияти йўқ. Аскарликка жисмоний ва интеллектуал салоҳияти юқори бўлган йигитлар саралаб жўнатилмоқда. Муҳими, бундай интилиш, бундай ҳаракатдан қалбинг қувончга тўлади. Сарҳадларимиз дахлсизлиги мард, жасур, ақлли йигитларга ишониб топширилаётганидан кўнгил хотиржам тортади.

Шу куни чақирилувчиларнинг навбатдаги гуруҳи ҳарбий хизматга кузатиб қўйилди. Кузатиш маросими байрамона тус олди. Унда ота-оналар, жамоатчилик ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Бўлажак ҳарбийлар бир пиёла чойга таклиф қилиниб, уларга совға-саломлар улашилди.

Айтиш мумкинки, Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳарбийларимиз зиммасидаги масъулиятни янада оширмоқда. Шу боис жойлардаги мудофаа ишлари бўлимларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётганлар малакали шифокорлар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилаяпти. Суҳбатларда уларнинг оилавий аҳволи, маънавий етуклиги, интеллектуал салоҳияти, билим даражасига эътибор қаратилаяпти.

Йиғилув пунктида ота-оналар, чақирилувчилар билан суҳбатлашдик.

— Яқинда тўнғич ўғлим — Ойбек Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўтаб келганди, — дейди нуроботдлик Бобоқул Бўриев. — Энди иккинчи ўғлим — Жамшид хизматга отланаяпти. Унинг орзуси чегара қўшинларида хизмат қилиш эди. Шукрки, бугун бу ниятига етиб турибди. Фарзандимнинг чегарачилар сафига қўшилиши кўнглимни тоғдек кўтарди. Ўйлайманки, бугун хизматга отланаётган йигитларнинг ҳаммаси Ватан олдидаги бурчларини шараф билан уддалаб, ёруғ юз билан бағримизга қайтишади.

Ҳа, айни дамларда республикамизнинг барча жойларидаги сингари Самарқандда ҳам кузги чақирув мавсуми қизғин давом этмоқда. Ота-оналар, кенг жамоатчилик бўлажак Ватан ҳимоячиларини бағирларига босиб, уларга оқ йўл тилаб қолишаяпти.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Кўргазма

# «Рассом портрети ёхуд 20 йилдан сўнг»

Мусаввир жим туради, асарлари сўзлайди, деган гапни кўп бор эшитганмиз. Зотан, оламдаги сирли воқеликни ранг-баранг бўёқлар орқали тасвирлаб бериш ҳам бир мўъжиза, аслида. Ана шундай мўъжиза ярата олган комил устоз Ўзбекистон халқ рассоми, профессор Жавлон Умарбековнинг асарларидаги ҳаётийлик ва самимийлик барчани ўзига жалб этиб келаётир.

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида намойиш этилаётган Ж.Умарбеков кўргазмасидаги тасвирларнинг ҳар бири ўзига хос жозиба касб этади. «Рассом портрети ёхуд 20 йилдан сўнг» деб номланган мазкур кўргазмада мусаввир ижодига мансуб 250 дан зиёд санъат асарлари ўрин олган. «Инсон заковати», «Мен — инсонман» полотнолари, «Чошгоҳдаги уйқу», «Ариқ бўйидаги арғимчоқ», «Эски шаҳар наволари», «Чўлдаги оқшом» каби туркум асарларида ҳам ботиний изтироб ва ранг-тасвирга бой манзараларни кузатиш мумкин. Мусаввирнинг маданий-тарихий анъаналар ва бадиий халқ мероси акс этган ижод намуналари кишини ҳайратга солади.

— Устоз рассом Жавлон Умарбековнинг тасвирларида кўр-кўроналик ва сохта насиҳатгўйлик йўқ, — дейди Ўзбекистон халқ рассоми Баҳодир Жалолов. — Унинг асарларида чуқур ички кечинмалар ва интилишларнинг акс этиши, фикр уйғунлиги томошабинни ўзига тортади.

Тадбир олдидан Нигора Назарова муаллифлигидаги «Рассом портрети ёхуд 20 йилдан сўнг» номли фильмнинг Тошкент давлат Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабалари эътиборига ҳавола этилгани айни муддао бўлди.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ**
**олган суратлар.**

# ГАЗЕТХОН билан мутахассис мулоқоти

***Кейинги пайтларда қандли диабет хасталиги дунё миқёсида кенг тарқалмоқда. Бу касалликка чалинган беморлар сони юз миллион кишидан ортиқ. Бундан Марказий Осиё минтақаси ҳам истисно эмас. Эпидемиологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу минтақа катта ёшли аҳолисининг икки фоизга яқини мазкур касалликка чалинган. Шу боис бўлса керак, газетхонлар қандли диабет хасталиги, унинг асоратлари, даво йўллари ҳақида сўраб, таҳририятимизга тез-тез мурожаат қилишяпти. Қуйида бу хатларга мутахассис жавоблари билан танишасиз.***

# ДАРД ЕНГМАСИН ДЕСАНГИЗ...

***«Қандли диабетни бир умрлик хасталик, дейишади. Шу ростми?»***
**Инобат ҲАСАНОВА.**
**Тошкент шаҳри.**

Аслида бу хасталик моддалар алмашинуви касаллиги бўлиб, келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш йўллари ва клиник аломатларига кўра турличадир. Бунда асосан қон таркибидаги шакар (глюкоза) сурункали ортиб боради. Унинг юқори бўлиши қанча узоқ давом этса, диабетнинг қон томирларига дахлдор асоратлари пайдо бўлиши эҳтимоли ҳам шунчалик кучаяди. Қандли диабет хасталигига чалинган бемор меҳнат қобилиятини эрта йўқотади. Шу боис ҳам уни бир умрлик касаллик дейишади ва бутун ҳаёт давомида даволаш зарур бўлади. Агар ўз вақтида тўғри даволанилса, бу дард асоратларининг олдини олиш мумкин. Бунинг учун шу хасталик билан оғриган бемор ўз касаллигини яхши билиши ва уни даволашда ўзи кўпроқ иштирок этиши лозим.

**Тельман Тўлаганович Қаюмов —**

***Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эндокринология илмий-текшириш институти Диабетик тўпиқ жарроҳлиги бўлими бошлиғи. Тошкент Тиббиёт институтини тугатган. Қандли диабет касаллигида йирингли жарроҳлик усулларини қўллаш юзасидан номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Бугунги кунда шу йўналишда фаолият кўрсатмоқда.***

***«Хасталикнинг асоратлари ҳақида тушунча берсангиз».***
**Ойсара НУРАЛИЕВА.**
**Яккабоғ тумани.**

Асоратлар ҳақида гапиришдан аввал хасталикнинг энг муҳим аломатлари хусусида бир оғиз тушунча бермоқчиман. Қандли диабет касаллигининг иккита асосий тури мавжуд. Дастлабкиси инсулинга қарам қандли диабет, кейингиси эса инсулинга қарам бўлмаганидир. Хасталикнинг биринчи тури асосан юқумли касалликларни бошдан кечиргандан сўнг кескин бошланади. Бунда чанқаш, оғизнинг қуриб қолиши, катта миқдорда пешоб ажралиши, озиб кетиш, ҳолсизлик аломатлари сезилади. Қон таркибидаги глюкоза миқдори тез-тез ўзгариб туради. Иккинчи турда эса касаллик аста-секин, яширин ривожланади. Унинг аввалида беморларни кўпроқ ҳолсизланиш, толиқиш, чанқаш безовта қилади. Қон таркибидаги глюкоза миқдори юқори даражада бўлишига қарамай, диабетнинг бу тури билан оғриган беморлар инсулин дорисини қабул қилмасдан яшашлари мумкин. Уларга парҳезга риоя этиш, жисмоний машқлар билан шуғулланиш, шакар миқдорини камайтирувчи дорилар қабул қилиш яхши ёрдам беради.

Табиийки, таъкидлаб ўтилганларга амал қилмаслик хасталик асоратлари намоён бўлишига сабаб бўлади. Бунда диабетга оид ангиопатия, яъни томирларнинг шикастланиши ҳолати юз беради. Майда томирларнинг деворлари қалинлашади, томирларнинг ичи торяяди. Микротромблар ҳосил бўлиши учун шароит туғилади. Тананинг тегишли қисмида қон айланиши ёмонлашади. Натижада кўз тубидаги тўр пардалари томирларида ўзгариш юз беради. Бу баъзан кўришнинг ёмонлашишига, ҳатто кўр бўлиб қолишгача олиб келиши мумкин.

Диабет туфайли буйракларнинг ҳам шикастланиши кузатилади. Касаллиқнинг авж олишида буйрак орқали оқсилнинг йўқотилиши кучаяди. Бу эса шишларнинг ривожланишига, қон босими ортишига, камқонликка олиб келади. Натижада буйраклар қонни тозалаш ва яна бошқа вазифаларини бажара олмай қолади, тананинг ўз-ўзини заҳарлаши юз беради. Шунингдек, диабет тўпиғи ҳам қандли диабетнинг энг жиддий асоратларидан бири ҳисобланади.

***«Қанд касалига дучор бўлганимга анча бўлди. Иложи борича парҳез сақлаб, ўзимни эҳтиётлаб юрардим. Бироқ товонимда яра пайдо бўлганини сезмай қолибман. Чунки, деярли оғриқ бўлгани йўқ. Буни қандай тушунса бўлади?»***
**Рустам ҲУСАНОВ.**
**Самарқанд вилояти.**

Диабети бор беморларда оёқ кафтининг турли жойлари зарарланиши ва яралар пайдо бўлиши мумкин. Бунинг сабаби диабет тўпиғи синдромида тана аъзоларининг пастки қисмларида сезиш қобилияти сусаяди. Салгина шикастланиш, кесилиш ёки ялангоёқ юриш сурункали яра пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Сезгирликнинг йўқолиши, бўғимлар ҳаракатининг чекланиб қолиши оёқ кафтига тушадиган оғирликнинг ўзгаришига олиб келади. Натижада бемор сезиш қобилиятини йўқотган оёқда юраверади, чунки оғриқни сезмайди. Вақтида мутахассис шифокорга мурожаат қилмаслик оқибатида оёқлардаги яра авж олиб, гангренага айланиб кетиши мумкин. Натижада оёқларнинг қисмлари кесиб ташланади. Бундай асоратларнинг олдини олиш мақсадида ҳозирча фақат институтимиз клиникасида Диабетик тўпиқ жарроҳлиги бўлими фаолият кўрсатяпти. Бу ерга вилоятлардан мутахассислар келиб, ишларимизни ўрганиб, тажриба алмашиб кетяптилар. Шуларни ҳисобга олиб, эндиликда вилоятлардаги тиббий муассасаларда, жилла қурса, диабетик тўпиқ жарроҳлиги хоналари очилса, нур устига нур бўларди. Шунда бу касаллик билан оғриган беморлар орасида ампутация жарроҳлиги ўтказиш камаярди.

***«Соғлиқ ҳар қандай бойликдан устун эканини шу дардга чалингач ҳис этдим. Чунки диабетни енгиш қийин кечяпти. Шифокорлар шу хасталик билан «яшашни» ўрганиш керак, дейишяпти. Айтингчи, беморлар ўзини ўзи назорат қилганда дард енгиладими?»***
**Бобониёз АСАДОВ.**
**Бухоро вилояти.**

Ўзини ўзи назорат қилишдан мақсад беморнинг ўз қони таркибидаги шакар моддасини узоқ вақт мобайнида меъёрида сақлаб туришдан ва бу билан қандли диабет касаллигининг ривожланиши, томирлардаги асоратлари авж олишининг олдини олишдан, соғлом кишилардаги каби меҳнат қобилиятига эришишдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир бемор ўз касаллиги ҳақида муайян билимларга эга бўлмоғи даркор. Масалан, қон таркибидаги шакар даражасини уй шароитида назорат қилиб туриш ҳам мумкин. Шунга қараб танага юбориладиган инсулин ёки шакар даражасини камайтирувчи дорилар миқдорини, зарурат бўлганда, шифокор рухсат берадиган даражада мустақил равишда ўзгартирилади.

Беморларимизга бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим; умрингиз узун, ҳаётингиз мазмунли кечиши Сизнинг ўз саломатлигингиз ҳақида қанчалик узоқ ва сабот билан ғамхўрлик қилишингизга боғлиқдир...

**Мутахассис жавобларини «Халқ сўзи» мухбири Умида ФАЙЗИЕВА ёзиб олди.**

## Обуна — 2007

# Газетасиз маърифат йўқ

*Мактаб ва ўқитувчи. Мустақиллик йилларида бу икки тушунча устувор давлат сиёсати ва умумхалқ ҳаракати сифатида ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топди. Бугунги кунда таълим ва тарбия соҳасида халқаро миқёсда эътироф этилаётган ислоҳотларимиз ўз самарасини бермоқда.*

Фарзандларимиз моддий-техникаси мустаҳкам замонавий мактабларда ўқишмоқда, ўқитувчиларнинг машаққатли меҳнати муносиб қадрланмоқда. Зеро, ёшларимизни ўз мустақил фикрига эга, она юртига садоқатли этиб тарбиялаш, уларнинг қалбида шу азиз Ватан меники, унинг бугунги ва эртанги куни учун масъулман, деган дахлдорлик туйғусини камол топтириш учун, энг аввало, ўқитувчининг ўзи теран ақл-идрок ва заковат соҳиби бўлиши керак. У нафақат тажрибали, айни вақтда бутун дунёда содир бўлаётган янгилик ва ўзгаришлардан воқиф бўлиши, маънавий баркамол, сиёсий етук инсон сифатида ҳуқуқий демократик жамият бунёдкорларининг энг олдинги сафида юриши лозим.

Бундай инсон бўлиш учун, менинг назаримда, «Халқ сўзи» газетасининг ҳар кунлик муштарийсига айланишимиз даркор. Бу газетани мен 15 йилдан буён ўқийман, унинг ашаддий мухлисига айланганман. Негаки, бу нашрда мамлакатимизда юз бераётган барча воқеалар акс этади. Мамлакатимиз Президентининг Фармон ва Қарорларини, қабул қилинган янги қонунларни, Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган тадбирларни ҳали охори тўкилмасдан туриб ушбу газетада мутолаа қиламиз. Ўқитувчи ва умуман, тарбия иши билан машғул инсонлар учун айнан шунинг ўзи етарли эмасми? Шу боис биз ҳар кузакда, энг аввало, ушбу нашрга обуна бўлишга интиламиз. Насиб қилса, 2007 йилда мавжуд 92 та мактабимиз ва 29 та мактабгача таълим муассасамиз кутубхоналаридан «Халқ сўзи»нинг ҳамма сонлари жой олади. Хуллас, туманимиз маорифчилари келгуси йилда 150 дона «Халқ сўзи»га йиллик обуна бўладилар.

Маънавият сотилмайди. Маънавиятни экспорт ҳам қилиб бўлмайди. Маънавият бизнинг турмушимизда, кундалик ҳаётимизда, бажараётган жамики амалларимизда зоҳирдир. Маънавият кўзгуси — «Халқ сўзи» газетаси ҳам кундалик ҳаётимизнинг бир бўлагига айланиб бўлган, демак, у биз интилиб яшаётган маънавиятимиз сарчашмаларидан биридир.

**Юсуф МУҲАММАДИЕВ,**
**Иштихон тумани халқ таълими бўлими мудири.**

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ
МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА ШУНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИКИ, АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ 2006 ЙИЛ 31 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН, ТЎЛОВ МАЖБУРИЯТЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМАГАН ВА МИЖОЗЛАР АЙБИ БИЛАН БАЖАРИЛМАГАН ШАРТНОМАЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бекор қилинган шартномалар бўйича барча шикоятлар 2006 йил 31 декабргача қабул қилинади.

Мижозлар айби билан бажарилмаган шартномалар бўйича МХКМ кредитор қарзлари 2007 йилнинг биринчи чораги давомида қайтарилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15.
E-mail: metrolog@sarkor.uz

ОРГАНИЗАЦИЯ
ПРОДАЕТ
АВТОШИНЫ
НА MATIZ
размер 155/65R13,
производство Малайзия
"Simex"оптом и в розницу, форма оплаты — любая.
Тел.: 195-88-77, 315-50-25.

БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗСТАНДАРТ» АГЕНТЛИГИ
МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ

2007 ЙИЛ УЧУН ЎЛЧАШ ВОСИТАЛАРИНИ МАЖБУРИЙ ДАВЛАТ ҚИЁСЛАШИДАН ЎТКАЗИШ УЧУН ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗАДИ.

ШАРТНОМА-ЖАДВАЛЛАРНИ ТУЗИШ МУДДАТИ — 2007 ЙИЛ 1 ФЕВРАЛГАЧА.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
150-26-03, 150-26-02, ФАКС: 150-26-15.
E-mail: metrolog@sarkor.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

**Муносабат**

*Яқинда эълон қилинган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Президент Қарорида шундай сўзлар бор: «Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она-юртга муҳаббат, истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда».*

*Дарҳақиқат, бу масалаларнинг ижобий ечими маънавий ишларимизнинг ўзагини ташкил этади, десак янглишмаймиз.*

# МАЪНАВИЯТ — ҲИКМАТ ДЕМАК

## Улуғ юртнинг бўй-басти

Миллий қадриятлар деган кенг маънодаги тушунчаларнинг турли кўринишларини халқимиз ҳаётида кўриб, ким қувонмайди, дейсиз.

Қодир ҳожи маҳалладаги йиғинда ўртага бир таклифни ташлади.

— Азизлар, миллий қадриятларимизни тиклаш ва асраб-авайлаш борасида Юртбошимиз кўп савобли ишларга бош-қош бўлмоқдалар. Айниқса, улуғ аждодларимиз хотирасини абадийлаштиришда амалга оширилган ишларга қаранг. Агар рози бўлсаларингиз ҳар уйдан ота билан ўғил чиқса, бир бориб аждодларимиз хокини зиёрат этиб қайтардик.

Таклиф ҳаммага ёқди. Дастлаб ал-Бухорий ҳазратларини зиёрат қилиб қайтишди. Сўнг эса ал-Фарғоний, Амир Темур, Мотуридий... Бу анъанага айланди.

Яқинда улар бир автобус бўлиб, Мустақиллик майдонини келиб кўришди. Ҳамма хурсанд, ҳамманинг кўнглида ифтихор.

Миллий қадриятларимиз ҳақида сўз кетганда биз ёшларимизга аждодларимиз ҳаётини кенгроқ тушунтириб беришимиз лозим. Ёш авлоднинг бу ҳақдаги тушунчалари қотиб қолмаслиги учун матбуот, телевидение ва радио миллий қадриятлар ҳақида тез-тез чиқишлар қилиши керак.

— Ўзбекистон — улуғ юрт. Шуни англаш учун унинг бўй-бастини қалб кўзи билан кўриш керак, — дейди Қодир ҳожи ёшларга қарата.

Ҳақ гап. Зеро, маънавиятимизнинг бир бўлаги бўлган миллий қадриятларимиз достон қилса арзигулик ҳикмат дунёсидир.

## Урф-одатинг унутма

Давраларда қарияларимизнинг ёшларга қарата «ота-бувангнинг урф-одатларини унутма, болам», деган насиҳатларини тез-тез эшитамиз. Иккинчи воқеа шу хусусда...

...Ҳовлида тўй бошланди. Эшикдан кириб келаётган меҳмонларни жойлаштираётган йигит «қариялар ўтирадиган жой тўлиб қолди», деб, 5-6 нафар кексани ёшлар ёнига бошлаб борди. Бу ҳолни кузатиб турган маҳалла оқсоқоли унга танбеҳ бериб, ҳалиги кексаларни қариялар ўтирган жойга юборди. Ўзидан катталарни кўрган бир неча киши шартта ўрнидан туриб «Сизлар бу томонга ўта қолинглар, биз ҳовлига чиқамиз» деб ҳурмат-иззат кўрсатди. Қандай чиройли бўлди. Ахир, урф-одатимиз бўйича уйнинг ҳам, тўйнинг ҳам тўри кексаларники эканлигини ўйлар эканмиз, ёшларимизнинг сабоқ олиши керак бўлган бу масаланинг нозик томонлари борлигини ҳам унутмасликларини истардик.

Қизларимиз, аёлларимиз эркакнинг йўлини кесиб ўтмаганларидек, ёшларимизнинг кексаларга доимо йўл беришлари, уларга салом бериши, иззат-икромини жойига қўйишлари аждодларимиздан қолган урф-одат. Маълумки, қайси маҳаллада кексалар ҳурмати баланд бўлса, уларнинг гапи ҳам баланд бўлади. Ҳар битта маҳалланинг оқсоқоли бор, лекин шу маҳаллада бошқалар гапини икки қилолмайдиган одамлар ҳам бор. Улар ўткир фикрли, оққорани яхши таниган, ҳурматли инсонлар. Маҳаллада нинг иссиқ-совуғини яхши билади. Кимнинг оиласи қандай, кимнинг боласи нима билан банд, ҳаммасини билади. Биз тарбияда уларнинг ёрдамларига ҳам таянамиз.

Бир жойда бўлганимда дастурхонга нон қўйишди. Уй эгаси ҳадеганда нонни ушатмади. Бир маҳал у даврамизда ўтирган ўғлига танбеҳ берди. «Дастурхонга нон қўйилгач, ушатиш ёшларнинг вазифасига киради, ўғлим, нимани кутаяпсан?». Қаранг, шу кичкинагина одатда ҳам ёшларимиз ўрганса арзийдиган ҳикмат бор.

## Ватанга муҳаббат оиладан бошланади

— Онани ҳурмат қилинг, деб болаларга ҳар куни айтамиз, нега Ватанни ҳурмат қилинг, дейишдан тийиламиз? — дейди Олимжон ўртоғим. Навбатдаги воқеа шу ўртоғимнинг ҳаётидан олинган.

— Ўзим тарихий китобларни яхши кўраман, — дейди у. — Айниқса, улуғларимиз ҳақидаги китоблар жони-дилим. Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Муҳаммад Алининг Амир Темур ҳақидаги китобларини 10 тагача сотиб олиб, қизиққанларга улашганман. Бир куни китоб бозорига бориб аввал Ўзбекистон харитасини олдим, сўнг китоб қидириб юриб Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Чўлпон, Фитрат каби улуғларнинг суратлар тўпламига кўзим тушиб қолди. Шартта харид қилдим. Уйга келиб болаларимнинг дарсхонасига ҳаммасини чиройли қилиб осиб қўйдим. Уларга ҳар бир расм ҳақида мактаб кутубхонасидан маълумот тўплашни тайинладим. Орадан бир ой ўтиб болаларим ҳатто мен билмаган нарсаларни ҳам айтиб, лол қолдиришди. Ўртанча ўғлим гап орасида:

— Дада, Ватанимизда буюк одамлар кўп бўлган экан-да. Қаранг, дунёга номи кетганларнинг ҳаммаси бизнинг юртимиздан...

Мен уларга аждодларингиз ким эканлигини яхши таниб олсаларингизгина сизлардан яхши одам чиқади, дедим. Ўтмишда ўтган аждодларимиз ҳаёти болаларимиз учун бир умр ўрганса бўладиган ҳикмат, оғайни...

Ўртоғимнинг ҳамма гапларини маъқулладим ва бундай оилалар сони тобора кўпайиб бораётганлигидан астойдил қувондим. Юртга муҳаббат оилада ниҳолдек экилса, у келажакда улкан дарахтга айланади. Чунки ниҳолнинг илдизи биз муқаддас деб ҳисоблаган оилада томир ота бошлайди.

## Ҳалол меҳнат ва фидойилик

Истиқлолга садоқатни нималарда кўриш мумкин?

Икки кишига шу саволни бердим, ҳар иккови ҳам икки хил жавоб берди. Уларнинг биринчиси фермер, иккинчиси тадбиркор. Нима дейишди дейсизми, марҳамат эшитинг...

Фермер:

— Мен Эргаш Избосаровман. 5 йилдан бери фермер хўжалигини бошқараман. Ёшим 60 дан ошди. Шу йиллар мобайнида туман раҳбари ҳам бўлдим, ўнлаб хўжаликларга раислик қилдим, лекин бугунгидай ўз меҳнатимдан завқланмаганман. 200 гектардан ортиқ ерда эркин деҳқончилик қиламан. Истиқлол менга, аввало эркинлик берди. Топган-тутганим ўзимники. Хўш, нима учун ялқовлик ёки дангасалик қилишим керак, нима учун шу Ватанга, шу юртга садоқат билан хизмат қилишим керак эмас. Виждони бор одам ўз умр мазмунини Истиқлол йўлида кўриши табиий.

Тадбиркорнинг гапи лўндагина бўлди:

— Истиқлол туфайли тадбиркор туғилди. Демак, ҳалол меҳнат ва фидойилик Садоқатдир!

Ҳа, маънавият юртда бўлаётган буюк ўзгаришлар билан ҳамоҳанг. Фақат унинг мағзини чақиб, одамларга ҳикматдек улашиш керак.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

---

Китоб жавонингизга

# Нашриёт туҳфаси

***«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти бир йўла уч китобни ўқувчилар ҳукмига ҳадя этди.***

## «Ҳаё — халоскор»

Жамоатчилик Иброҳим Ғафуровни таниқли адабиётшунос олим, ёзувчи, таржимон сифатида яхши билади. Унинг икки жилдлик асарларининг биринчи китоби **«Ҳаё—халоскор»** деб номланган. Китобдан адибнинг кейинги йилларда ёзган туркум насрий асарлари — мансуралари ҳамда мумтоз адабиёт, мумтоз сиймолар ҳақидаги бадиалари, ҳикоялари, мақолалари ўрин олган. Муаллиф ўзининг бу мўъжаз асарларини «Менинг романларим» деб атайди. Чунки уларда давр ичида ўртанаётган, бой кечинмалар ичида яшаётган, инсонийликнинг асл маъносини қидираётган замондошларимиз қиёфаси гавдаланган.

Адабиёт бизнинг жамиятимизда мустақиллик, эркинлик, миллатнинг тикланишига, қадриятларнинг камол топиб боришига кўмаклашади. У миллатнинг ўз-ўзини билиш, англаш ва ҳиссий камол топишида жуда муҳим воситадир, дейди муаллиф. «Ҳаё — халоскор» шу йўлдаги бир уринишдир.

## «Кўнгил юзи»

***Кундай ёруғ юзларим ила,***
***Зурёд ўғил қизларим ила,***
***Ёзай босган изларим ила***
***Умр баён дафтарин Ватан!***

Ушбу сатрлар таниқли шоир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Саъдулла Ҳакимнинг яна бир умр дафтари — **«Кўнгил юзи»** китобидан олинди.

Шоирнинг мазкур китобидан ўрин олган шеърларда Она Ватан табиати, чин муҳаббат, халқимизнинг бетакрор ўзбекона фазилатлари таъсирчан образлар, гўзал манзаралар, ажиб шеърий ифодалар орқали тараннум этилган. Шеърларни ўқиганингизда уларда самимият, оламни ўзига хос идрок этиш, фалсафий мушоҳадалар уфуриб туради.

«Кўзмунчоқ», «Шу гўзал боғ», «Онажон», «Эски дафтардан», «Юрт ишқида» деб номланган бобларни ўз ичига олган мазкур тўплам крилл ва лотин алифбосида чоп этилган.

## «Замона зайли»

Ёзувчи Отаули (Раҳимжон Отаев)нинг янги тўпламидан "Замона зайли" психологик романи, "Улус (Фаробийнинг дўсти)" насрий достони ва қатор ҳикоялари ўрин олган. "Замона зайли" файласуф замондошимиз — мантиқшунос олим хусусидаги психологик романгина эмас, кўз ўнгимизда рўй бераётган оламшумул воқеалар, мустақил мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишлари ва руҳимизда кечаётган ўта мураккаб жараёнлар ўзига хос тарзда идрок этилувчи мушоҳадаларга бой фалсафий асардир.

Адибнинг "Улус (Фаробийнинг дўсти)" насрий достонида эса буюк аллома Абу Наср Фаробийнинг руҳий олами, дунёқараши, туркий халқлар равнақи, бутун башарият истиқболи йўлидаги ибратли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

**Б. УММАТОВ.**

---

# Эътиқод йўли

*Бир пайтлар бу инсон Жиззах Давлат педагогика институтида ёшларга фалсафадан сабоқ берган. Ўшанда ҳам у дарсда собиқ тузум фалсафасидан кўра ҳақиқий ҳаёт, инсоният, миллат фалсафасига кўпроқ эътибор қаратарди. «Инсоннинг манфаати, унинг бугуни ва ёрқин келажаги учун хизмат қилмайдиган ҳар қандай таълимот ёлғончи фалсафадир!» Бу — айни вақтда республика Маънавият тарғибот марказининг Янгийўл тумани бўлими раҳбари, сиёсий фанлар номзоди, доцент Солижон Бойматовнинг суянадиган таянч калимаси, ўзи амал қилиб, шогирдларига уқтириб келадиган эътиқодидир.*

*— Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотлар миллий истиқлол ғоясининг ўзагини ташкил қилади, — дейди устоз С. Бойматов. — Бу ғоянинг илдизлари эса жуда теран. Уни Темур бобонинг ўгитларидан, ҳазрат Навоийнинг ҳикматларидан, жаҳонгашта шоир Бобур мирзонинг фардларидан ахтармоқ зарур. Нафақат ахтармоқ, бу фалсафани ёшларимиз онгига сингдирмоқ, уларнинг фаоллигини янада оширмоқ керак.*



**СУРАТДА: Солижон ака невараси Самандар билан.**

**Р. ГАЛИЕВ олган сурат.**

---

## Ҳомийлар ҳиммати

Ширинликлар қишки мавсум олдидан ўз ҳомийларидан ажойиб совғалар олдилар. Шаҳар меҳнаткашлари учун кўпқаватли ўн учта уй сифатли қилиб таъмирлаб берилди. Шундан ўнта уй Сирдарё ГРЭСи, биттаси Фарҳод ГЭСи жамоалари, биттаси шаҳар қурилиш бошқармаси, биттаси шаҳар электр тармоқлари бошқармаси ҳиссасига тўғри келади.

Мавсум олдидан кўрсатилган бундай ҳимматдан Сирдарё вилоятидаги Ширин шаҳри аҳолиси бениҳоя миннатдор бўлди.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, «ТУҒМА» ФИРИБГАР!

**Халқ тилида «туғма» сўзи турли соҳалардаги нодир истеъдод эгаларига «туғма қобилият эгаси» деб ишлатилишини кўп эшиттганмиз. Шу маънода, бу мақола қаҳрамонини ҳам ҳеч иккиланмай «туғма» фирибгар деб атайверса бўлади. Негаки, 1976 йилда туғилган Лазиз Салоҳиддинович Шакиров 1998 йил (22 ёшидаёқ) 19 июнда Тошкент шаҳар Сирғали туман суди томонидан Жиноят Кодексининг 168-моддаси 3-қисми «а» банди (фирибгарлик, жуда кўп миқдорда) билан 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. У 2001 йил 18 октябрь куни жазодан озод қилингач, ўзига тўғри хулоса чиқариб олмай, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, енгил бойлик орттириш мақсадида яна... ўнлаб шундай жиноятлар содир этган.**

**Жамият, инсон, ҳуқуқ**

Хусусан, у 2006 йил март ойида бир танишидан бир ой муддатга 500 минг сўм қарз олиб, вақтида тўламай қочиб юргани туфайли қидирилиб, шу йил 16 июнь куни Чилонзор тумани Ички ишлар бошқармаси тезкор вакили К. Абдуллаев ва терговчи Б. Аҳмедовлар томонидан қўлга олинди — жиноят очилди. Шундан сўнг унинг бошқа қатор фирибгарлик жиноятлари очилавердики, уларни санаб ёқангни ушлайсан! У муқаддам судлангани, ҳозир ҳам ахлоққа зид ишлар билан шуғулланиб юргани, бунинг устига 2006 йил 31 март куни унга нисбатан Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ тергов бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилганини эътиборга олиб, у хавфли рецидивист сифатида 19 июнда эҳтиёт чораси қамоққа олинди.

Лазизвой Қорақалпоғистонда нима ишлар қилиб юрибди денг? Нукус шаҳридаги хусусий тадбиркор У. Жолдасбаевани нақд бирнеча миллион сўмга чув туширибди! Қандай қилиб?

Тадбиркор шўрлик унинг қанотли гапларига чиппа-чин ишониб, лаққа тушган, шекилли, 2004 йил 23 апрель санаси билан Лазиз Шокиров номига ишонч хати ёзиб берган. Қаёқдан билсин, афти-ангори туппа-тузук бу йигитнинг пешонасига «фирибгар» деб ёзиб қўймаган бўлса. Тадбиркор бир парча қоғоз билан иноннихтиёрини унга — фирибгарга топширди. Яъни, Лазиз бу ишончнома билан Жолдасбаеванинг номидан барча олди-сотди-ю молиявий ишларни амалга ошираверади. Шундай бўлди ҳам. У Тошкент шаҳридаги «Олмос» очиқ турдаги акциядорлик жамияти билан тадбиркор Жолдасбаевага жами 14820 килограмм — 30 миллион 648 минг сўмлик қора чой етказиб бериш тўғрисида шартнома тузди, унга ишончли вакил сифатида ўзи имзо чекди. Ана шунча маҳсулот нархининг 15 фоизи миқдорида Жолдасбаева ҳисоб рақамидан икки марта жами 5 миллион 300 минг сўм пул ўтказди ва унга 2479 килограмм чой етказиб берди. Маҳсулотнинг қолган қисмини (25 миллион сўмликдан ортиқ) эса тадбиркорга етказиб берилгани тўғрисида... сохта ҳужжатлар ясади. Қорақалпоғистонлик терговчилар Тошкентга уни излаб келишганида, гўёки Жолдасбаева ўзи имзо чекиб олган 14 тоннадан ортиқ чой ҳақидаги ва фалон номерли «ЗИЛ» машинасида элтиб берилгани тўғрисидаги қалбаки ҳужжатларни тутқазиб юборди. Бу билан у Жиноят кодексининг «ҳужжатларни қалбакилаштириш» ва «қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиш» моддалари билан ҳам жиноий жавобгарликка тортилди.

Буёғи янаям қизиқ «достон»: у «Кредит Осиё» масъулияти чекланган жамиятининг Чилонзордаги ва Миробод туманидаги дўконларидан икки-уч ой ичида бир неча ўнлаб кишиларнинг номига жами бир неча ўн миллион сўмлик телевизор, музлатгич, кондиционер ва бошқа қимматбаҳо буюмларни кредитга олиб, ўзи ўзлаштириб юборган. Яна бир неча кишидан «қарзга» миллионларни олиб, қайтармай қочиб юрган. Хусусан, 2005 йил 20 август куни Миробод тумани, Т. Шевченко кўчасидаги 31-уйда жойлашган дўкондан 430 минг сўмлик музлатгич, 156 минг сўмлик чангютгич, 54.900 сўмлик дазмолни кредитга олиб, уларни сотиб, пулини ўз эҳтиёжига ишлатиб юборган. Ундан кейин, 2006 йил 9 март куни ушбу фирманинг Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 3-«а» уйда жойлашган дўконидан Муҳаббат Пўлатова номига жами 350 минг 600 сўмлик телевизор, DVD плеерни кредитга олган. 14 март куни Вазира Хўжаева номига 550 минг сўмлик, Мавлуда Сидиқова номига 550 минг сўмлик, 15 март куни Насифа Қурбонниёзова номига 258 минг сўмлик аппаратураларни кредитга олиб, сотиб, ўзлаштириб юборган. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин...

Бундан ташқари, шу йил март ойи охирида Собир Раҳимов туманида фуқаро Рустам Жалоловдан аслида йўқ бўлган «тижорат ишлари» учун деб 1 миллион 850 минг сўм «қарз» олиб, қайтармаган, қочиб юрган. Хуллас, биргина «туғма» фирибгарнинг фириби қурбони бўлган, суд мажлисига чақирилиши лозим бўлган жабрланувчилар сони... 36 нафарга етибди!

Албатта, одам одамга ишонгани яхши. Бусиз ҳаёт ҳаёт бўлмайди. Ҳар бир кишининг тимсолида фирибгарни кўриш ҳам тўғри эмас. Бироқ, яхши одамдан фирибгарни ажратиб ола билиш қобилияти ҳам ҳар бир кишига керак, шекилли-да. Токи, йўқ миллионларни ваъда қилган товламачи, фирибгар шахсга лаққа ишониб, унга қўшқўллаб ишонч хати-ю ҳужжатларни тутқазиб юборавермайлик, дўконда ўзи йўқ одамнинг паспортига кредитга қимматбаҳо товарларни бериб юборавермайлик...

Лазиз Шокиров Жиноят кодекси 168-моддаси иккинчи ва учинчи қисмининг қатор бандлари билан айбланди, уларда узоқ муддатли қамоқ жазоси кўзда тутилган...

**Зокир ЙЎЛДОШЕВ,**
**Чилонзор тумани Ички ишлар бошқармаси тергов бўлими бошлиғи, подполковник.**

---

**Тақдимот**

*С. Хўжаниёзов номидаги Қорақалпоғистон давлат Ёш томошабинлар театри драматург Фарида Бобожонованинг «Онажоним» спектаклини саҳналаштирди.*

## Саҳнада — шифокор ҳаёти

Асарда асосан шифокор ва беморнинг ички маънавий олами, орзу-умидлари ёрқин образлар орқали ифодаланган. Қорақалпоғистон Ёшлар мукофоти соҳиби И. Ҳайбатов саҳналаштирган бу спектаклда иймон билан муноФиқлик, адолат билан жаҳолат ўртасидаги кураш кўрсатилади.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

Тошкент Молия институти жамоаси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Икром Наврўзовга укаси **Илҳом НАВРЎЗОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимдаги 2-Тошкент юридик коллежи директори Абдумухтор Ҳасановга акаси **Абдунаби АЗИЗАЛИЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухамедали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 12345